

# ЭТНОМАДАНИЙ ТУРИЗМ МАДАНИЯТЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯ ВА МИЛЛИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ ФЕНОМЕНИ

*Мирзаев И. X*

*Тошкент давлат транспорт университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси.*

## АННОТАЦИЯ

Мақолада Маданиятлараро коммуникация феномени сифатида этномаданий туризм дунёни билиш усули бўлиб, унинг асосий мақсади муайян ҳудудда яшаб ўтган ёки ҳозир яшаётган у ёки бу халқ (этнос) ҳаётидагимаданият, архитектура, этномаданий объектни ўрганиш, ўзлаштиришда намоён бўлади. Этномаданий туризм мінтақанинг маданий меросини билиш шаклидир.

**Калит сўзлар** Этномаданий, архитектура, таълим ва тарбия, ёш авлод, баркамоллик, феномен, этник

Маданиятлараро коммуникация феномени сифатида этномаданий туризм дунёни билиш усули бўлиб, унинг асосий мақсади муайян ҳудудда яшаб ўтган ёки ҳозир яшаётган у ёки бу халқ (этнос) ҳаётидагимаданият, архитектура, этномаданий объектни ўрганиш, ўзлаштиришда намоён бўлади. Этномаданий туризм мінтақанинг маданий меросини билиш шаклидир.

Туризм мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқларидан бири сифатида тан олинган ва у Ўзбекистоннинг туристик анъаналари; мінтақа тарихи; мінтақа аҳолисининг полиграфияси; этномаданий обьектларнинг мавжудлиги мамлакатимизда этномаданий туризмни маданиятлараро коммуникация воситаси сифатида ривожлантириш омили эканлигидан далолат беради. Бизнинг фикримизча, коммуникация феномени сифатида этномаданий туризмни ташкил қилишнинг асосий шарти – туристик хизматларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ва экскурсия туризмiga бўлган эҳтиёжни қондириш, ижтимоий-маданий бойликларнинг бир қисми бўлган этномаданий обьектларни ҳимоя қилишдир.

Этномаданий туризмнинг обьекти анъанавий кундалик маданият, одамларнинг турмуш тарзини ҳам намоён этади. Моддий этномаданий обьектлар кўпинча тарих ва архитектура ёдгорликлари бўлиб, улардан туристик ресурслар сифатида фойдаланиш ва обьектнинг таъсирчанлик нормаларига риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, этномаданий туризм замонавий фаннинг тадқиқот обьекти бўла олади. Айниқса, бугунги кунда этномаданий сайтлардаги маълумотларни кузатиб бориш, чунки диний дормаларга мойиллик ёки миллатчилик ғояларини тарғиб қилишдан сақланиш учун сайёҳларга

бериладиган маълумотлар фақат илмий тасдиқланган далилларга асосланган бўлиши керак.

Бизнинг фикримизча, туризмнинг ушбу йўналишини ривожлантириш Ўзбекистон аҳолиси учун бир қатор таълим хизматларини тақдим этади. Бунда туристлар Ўзбекистонда истиқомат қилаётган этник гурухларнинг маданияти ва урф-одатлари билан танишиш, уларнинг ҳаракатлари тўғрисида тушунчага эга бўлиши, миллий менталитетничуқурроқ билиб олиш имкониятидир. Бу турдаги хизматларнинг индивидуал истеъмолчилари ёшлар бўлиб, уларнинг болалигига ёки маданий макондаги мулоқоти ташкил этилади.

Этномаданий туризм туризмнинг элита тури бўлиб, у “турист маданияти” шакллантиришни тақозо этади, бу миллий маданиятнинг тикланиши ва ривожланишининг омили сифатида намоён бўлади. Зоро, бу жараёнда бир томондан унутилган анъанавий қадриятлар, хунармандчилик мактаби қайта яратилса, иккинчи томондан, тил, маросимлар оммалаштирилмоқда. Шундай қилиб, этномаданий туризм ўтмишдаги тарихий ва маданий меросни сақлаш, кўпайтириш ва келажак авлодларга етказиш ғоясига ҳам асосланади.

Ҳозирги даврда этномаданий туризмни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, туристик фаолиятни бошқариш тизимини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Чунки амалий ҳаёт хусусий сектор реклама фаолиятини самарали мувофиқлаштирганлиги, миллий этномаданий туризм маҳсулотига халқаро бозорда рақобатлашишда ёрдам бера олмаслигидан далолат бермоқда<sup>1</sup>. Шунингдек, бу минтақанинг этномаданий туризм учун қулай образини ҳам шакллантира олмайди. Этномаданий туризм ҳар хил шаклларда намоён бўлади, унинг ҳудуд, моддий ёки маънавий обьектлар, этномаданий туризмни ташкил этиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун Ўзбекистонда халқаро тажрибани ўрганиш лозим. Масалан, ҳозирги даврда дунё шаҳарларида энг кенг тарқалган шаклларидан бири музейлардир. Демак этномаданий музейлар, очиқ осмон остидаги музейлар, этномаданий пунктларни ривожлантириш тақозо этилади.

Этномаданий музейлар - бу айрим этник гурухлар маданияти, ижтимоий тузилиши, эътиқоди, урф-одатлари, анъанавий санъатини намойиш этишни кўзда тутади. Бунда очиқ осмон остидаги музейлар алоҳида ўрин тутади. ЮНЕСКО Халқаро Кенгашининг таърифига кўра, “саноатгача бўлган давр намуналаридан ташкил топган, ҳар доим тегишли давр мебеллари ва буюмлари билан жиҳозланган, халқижодиёти жамоаларининг кириши учун очиқ майдон, ресторон олишингиз мумкин бўлган умумий кузатув учун очиқ бинолар, миллий овқатлар ва бошқалар тўпламидир”<sup>2</sup>. Шу боис, XX аср бошларида хориж мамлакатларида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябридаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори // www.lex.uz

<sup>2</sup> Заседание Международного Совета Юнеско, 2015. - <http://www.unesco.org/new/ru/unesco/resources/publica>.

очиқ осмон остидаги музейларга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ҳозирги даврда эса, дунё бўйича очиқ осмон остидаги музейлар кенг ривожланмоқда, чунки бу музейлар янги 3D технологияларига асосланган. Афинада биргина археология музейи, Нурсултондаги миллий музей, Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейи худуди 5 минг квадрат метрниташил этади. Афина музейидаги археология музейи экспонатлари энг майда тошларда йирик ҳайкалларнинг асл қўринишида сақланган, Санкт Питербург музейи инсон тафаккуридаги жозибадорликни намоён қилади. 26 км ҳудудда жойлашган Хивадаги Иchan Қаъла, Туркиядаги Кападоки шахри, Ozарбойжон давлати Боқу шаҳридаги Эски шаҳар эса очиқ осмон остидаги музейнинг ўзига хос хусусияти ерли аҳолининг унда яшаётгани ва бу музейларда маҳаллий халқнинг табиий кундалик ҳаётидан далолат беради. Масалан, Артур Хатселусга филология факультетида швед тили шеваларини ўрганиб, мамлакат бўйлаб саёҳат қилган. Дастлаб у Марказий Швеция қишлоқлари - Диларн ва Дания ҳудудларига саёҳат қилган, халқ меъморчилигини ўрганган. У миллий рухни ифодаловчи материалларни миллий музейда намойиш этмасдан, барча экспонатларни Дюарден оролидаги баландликда очиқ осмон остида жойлаштиришга қарор қилган. Демак, 1891 йил очиқ осмон остидаги музейлар пайдо бўлган йил сифатида тан олинган. XVII асрда бу баландликда ҳимоя истеҳкомлар бўлган ва кейинчалик улар йўқ қилинган, шунинг учун у қадимдан “скансен” (швед капкепидаги хандак) деб номланган. Ҳозирги даврда Артур Хатселус ташкил этган очиқ осмон остидаги музейушбу турдаги бошқа музейлар учун дастлабки тажриба бўлди.

Европа давлатларидаги очиқ осмон остидаги музейлар МДХ мамлакатларидан анча фарқ қилади ва сон жиҳатдан ҳам кўпчиликни ташкил этади. Масалан, Россияда (Европа) 14 та очиқ музей, Украина – 28 та, Эстонияда – 4 та, Латвияда -8 та бўлса, Финляндияда – 229 та, Норвегияда – 395 та, Швецияда – 1162 тадан иборат. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирги қунда очиқ осмон остидаги музейлар туризм саноатининг ажralmas қисми ҳисобланади. Бундай музейларга ташриф буорувчиларнинг аксарияти, уларни кўнгил очиш соҳасига тегишли деб билади. Очиқ осмон остидаги музейларда кўпроқ анъанавий музейларга хос бўлмаган мулоқот қилиш имкониятлари мавжуд. Ўтмишдаги ютуқлар ҳақида гапирганда, улар жамиятнинг ҳозирги ҳолатини яхшироқ тушунишга, тафаккурнинг яхшиланишига ва келажак учун янада аниқ истиқболларни белгилашга имкон беради. Очиқ осмон остидаги музейлар тез ўзгариб бормоқда.

Бизнинг фикримизча, туризмни ривожлантиришга йўналтирилган анъанавий вазифаларнинг аҳамиятини англаган ҳолда ва уларнинг ечимидан воз кечмаслик билан бирга, уларнинг аксарияти ўзларининг олдиларига янги мақсад қўймоқда ва бизнинг давримиз эҳтиёжлари ва манфаатларига яхшироқ жавоб берадиган ноанъанавий шаклда тикланишда намоён бўлади.

Этномаданий туризмнинг ривожланиш жараёни турли даврларда даврнинг руҳи таъсирида янгиланиб боради, лекин анъаналари сақланиб қолади. Этномаданий туризмнинг кўринишлари турлича бўлиб, уларнинг айримларини таҳлил этамиз:

1. Маҳаллий мумтоз туризм сўнгги ўн йилликларда Шимолий Америкадаги ҳиндулар, Австралиядаги маҳаллий австралийликлар, Океанияда полинезияликлар ва меланезияликлар, Шимолий Европада Сами жамоаларида қайта тикланмоқда. Масалан, ҳозирги давр адабиётларида Америка тарихи 1492 йилда Христофор Колумбнинг биринчи марта Таиго оролларига саёҳати билан бошланган, деган маълумотлар мавжуд. Дастрраб, Испания ва кейин Англия мустамлакаси даврида ерли аҳоли қириб ташланганлиги ва ҳозирги даврда ҳиндулар йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам бисёр, лекин энг янги Америка тарихида ҳиндулар борлиги ва улар ўзларини Таиго қабиласи вакиллари экани билан ғуурланишини таъкидлайди ва шу боис, улар ўз аждодлари урфодатларини қайта тиклаб, бу орқали этномаданий туризмни ривожлантирумокдалар. Бу эса этномаданий туризмнинг мумтознамунасиdir.

2. Антропологик туризм этномаданий туризмнинг йўналишларидан бири сифатида йўқолиб кетган этник жамоаларнинг маданиятини ўрганишни, замонавий маданият билан танишиш мақсадида аввалги яшаш жойларида бўлган мамлакатларга ташриф буюришни, шунингдек, йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган халқлар ва кичик халқларнинг ихчам яшаш жойларини зиёрат қилишни ўз ичига олади. Йўқолган жамоаларни ўрганишнинг ёрқин намуналари Перлар, Инклар маданияти, Скифлар маданияти билан танишиш учун экскурсиялар бўлиши мумкин. Йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган карайтларга машҳур экскурсияларни шу жумлага киритиш мумкин.

3. Генеалогик туризм қариндошларини топишга мўлжалланган. Масалан, 1992 йилда Биринчи Президент И.Каримовнинг ташабbusи билан Захириддин Муҳаммад Бобур изидан номли ташкил этилган илмий экспедиция Ўзбекистондаги генеалогик туризмни ривожлантириш йўлидаги дастлабки қадамдир. 2021 йилда эса, Ўзбекистонга Имом Бухорий авлодларининг ташрифи режалаштирилган. 2008 йилда Россияга Николай подшонинг авлодлари Романовлар сулоласининг ташрифи ҳам шулар жумласидандир. Бу давлат сиёсати даражасида ривожлантиришнинг аҳамиятидан далолат беради.

4. Цивилизация элементлари етиб бормаган дунёнинг чекка бурчакларигача саёҳат жаилоо туризмидир. 1990-йилларнинг охирларида Қирғизистонда бошланган бу туризм шаклида баланд тоғларда яшовчи чўпоннинг уйида яшаш ва уларнинг турмуш тарзини ўрганиш назарда тутилади. Ҳозирги кунда ҳам жаилоотуризм Қирғизистонда туризмнинг муҳим соҳаларидан биридир. Иссиқ кўл қирғозида энг машҳур сайёҳлик маршрутлари эса, сайёҳларни кўчманчи халқ

маданияти, миллий ўйинлари билан таништиради, от миниш, алакиизм ва ширдаклар - миллий кирғиз гиламларини түқишиңи ўргатади. Швейцария, Германия, Буюк Британия ва Россиясайёхлари жаилоо туризмга қизиқади. Таълим, экстремал, экологик туризм ҳам этномаданий туризмнинг шаклларидан биридир. Ҳозирги вақтда унинг ривожланиши жуда тез суръатларда давом этмоқда. Шу муносабат билан этномаданий туризмнинг янгидан янги турларининг пайдо бўлиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, этномаданий туризмурбанизация ва технологик тараққиёт таъсирида бўлган деярли барча мамлакатларда кенг тарқалган. Бу туризмда миллий менталитетга, унинг аждодлари қандай яшаганлигини билиш истаги устуворлик қиласи. Туроператорлар этник туризмда сайёхлар учун қизиқарли худудларга таклиф этиш билан бирга унинг тарихини сайёхларга юқори малакали гидлар ҳамроҳлик қилишини таъминлашга ҳаракат қиласи. Кўпгина давлатларда ўтган йиллар ва асрлардаги қишлоқ ва шаҳар муҳити максимал реализм билан қайта тикланадиган очиқ осмон остидаги музейлар мавжуд. Масалан, Германиянинг Мозель шаҳрида тоғнинг баланд чўққисида қурилган қасрда ҳозирги кунда ҳам уларнинг авлодлари яшашда давом этмоқда. Улар қасрнинг бир қисмини очиқ осмон остидаги хусусий музейга айлантириб, бир томондан даромад олмоқда, иккинчи томондан аждодлари ҳақида дунё сайёхларига маълумот етказмоқда.

Бизнинг фикримизча, инсониятнинг узоқ тарихи давомида диний, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва бошқа сабаблар туфайли аҳоли бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўчган. Айниқса, XIX асрда Ирландия, Буюк Британия, Германия аҳолисининг АҚШга, Норвегия аҳолисининг Исландияга кўчиши, фуқаролар уруши оқибатида Россия ва Украина, Хитой аҳолисининг АҚШга иммиграцияси эътиборга молик. Ҳар йили миллионлаб этник сайёхлар бу ва бошқа мамлакатларга ўз илдизларини излаш учун ташриф буоради. Ўтмишда иммигрантлар оқими кўп келган мамлакатлар - АҚШ, Канада, Австралия, Истроил, қисман Лотин Америкаси давлатлари сайёхлик транспортининг етакчи донорлари ҳисобланади. Замонавий этномаданий туризмда халқларнинг урф-одатлари ва турмуш тарзини сақлайдиган мавжуд аҳоли пунктлари жойларига экскурсияларни киритиш мумкин.

XX аср бошидаги инқилоб Россия зиёлиларининг Европага иммиграцияси таъсир этган. XXI асрда уларнинг авлодлари генеалогик туризм йўли билан бу мамлакатларга бормоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда Мисрда бадавийлар қишлоғига саёҳат қилиш жуда машҳур. Ушбу экскурсия чўл бўйлаб саёҳат қилиш билан бошланади. Бундан ташқари, йўриқнома туристларни бадавий ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари билан таништиради. Сайёхлар қамиш кулбаларда турмуш тарзини ўрганадилар, чўл ҳаётига мослашишга ҳаракат қиласи.

Бизнинг фикримизча, сўнгги бир неча асрлар давомида бу одамларнинг турмуш тарзи умуман ўзгармаган. Сайёҳлар бадавийларнинг кичик ҳайвонот боғи, ошхонаси ва маросимлари билан танишишлари мумкин. Кечкурун сайёҳлар учун рақслар, тўй маросимлари ва ёнгин намойиши билан маҳсус шоу ташкил этилади. Бундай экскурсия сайёҳлар учун ўлжа сифатида ихтиро қилинган, аммо ҳар доим дам оловчиларга завқ бағишлийди. Шунингдек, Африка этник гурухларнинг уйи ҳисоблангани учун ҳар доим сайёҳларнинг диққат марказида бўлган. Намибия, Замбиянинг қабилалари ўз маданиятини бутун дунёга намойиш этиш учун замонавий жамият учун ўз эшикларини очган ва ҳатто сайёҳларни ўзларининг кундалик ҳаётларида иштирок этишга таклиф қилган. Яшаш учун дам оловчиларга барча қулайликларга эга шинам меҳмонхоналар эмас, балки маҳаллий аҳолининг кулбалари таклиф этилади. Шундай қилиб, сайёҳлар бир неча кун давомида ибтидоий шароитда яшашга мослашиши мумкин. Шубҳасиз, бу яшаш шароитлари ва қабила ичида ҳукмронлик қилаётган атмосфера инсонга ҳеч қачон бўлмаганидек, қадимийлик билан, ўтмиш билан яқин алоқада бўлишига ёрдам беради.

Лотин Америкасининг Перу мамлакатига маҳаллий аҳолиси - хиндулар ҳаёти билан танишиш учун ташриф буюраётган сайёҳлар ҳаёти яна бир ёрқин миссолидир. Бу экскурсия бир пайтнинг ўзида экологик туризмнинг ривожланишига ҳам таъсир этади. Мачу Писчу харобалари ва Инкнинг қадимий пойтахти Кускога ташкил этиладиган экскурсиялар бутун сайёрадаги қадимги цивилизациялар билан танишиш имконини беради. Ушбу цивилизациянинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари борасидаги тадқиқотлар ҳам уларнинг улуғворлиги ҳақида маълумотлар беради<sup>3</sup>. Бу каби этномаданий туризмнинг намуналари Европада ҳам кузатиш мумкин. Финляндияда финларнинг бэлме давридаги ҳаёти, таомлари, қиёфаси ва уйларидаги майший ҳаётини, оддий ишчи ёки деҳқоннинг турмуш тарзи қандай эканини билишни истаган сайёҳлар ташриф буюради. Юонон оролларида халқнинг ҳаёти ва урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилувчи жуда машҳур экскурсиялар мавжуд. Масалан, Крит оролида денгиз сатҳидан 740 метр баландликда Ида тоғлари ёнбағирда жойлашган Аноиа қишлоғиаҳолиси ҳанузгача қадимий юонон шевасида гаплашадилар ва бу қадимги юонон маданиятини билиш имкониятидир. Қишлоқ аҳолиси тайёрлайдиган таомлар қадимги рецептларга асосланади. Сайёҳлар эчки соғиш, қўйларни қирқишига таклиф этиладилар. Куннинг охирида дам олиш билан кечки овқат Крит меҳмонларининг энг яхши анъаналарида миллий қўшиқлар ва рақслар билан тақдим этилади. Бугунги кунда сайёҳлар учун ўхшаш ўйин-кулгилар Европанинг қўплаб қишлоқ аҳоли пунктларида мавжуд. Уларда сайёҳлар ҳар куни машҳур

<sup>3</sup> Берёзкин Ю.Е. Инки: исторический опыт империи / Отв. ред. д-р ист. наук Р.В. Кинжалов. Академия наук СССР. — Санкт-Петербург: Наука, Ленингр. отд-ние, 1991. — С. 232; Эргашев Ш. Қадимги цивилизациялар. — Тошкент: Ўзбекистон, 2016. — 360 б.

туристик жойларда ўтказиладиган ёрқин, ранг-баранг театрлаштирилган шоуларнинг иштирокчиларига айланади.

Шубҳасиз, ҳар бир сайёҳ маҳаллий ёдгорликларни, масалан каштачилик, ҳунармандчилик, маҳаллий ошхона ва бошқалар анжомларни сотиб олади, бу эса, қўшимча даромад манбай ҳисобланади. Аммо, маданий алмашинув бу жараённинг муҳим хусусияти бўлиб, унда ўтмиш маданияти замонавий маданиятга уйғунлашади.

Бизнинг фикримизча, этномаданий туризмнинг бу шакллари таълим саёҳатига ҳам таъсир этади. Унда таълим субъекти - ушбу ҳудудда яшаган одамлар, этносларнинг моддий ва маънавий мероси, хусусан меъморчилиги, маданияти, анъаналари ва урф-одати билан танишиш учун объектга ташриф буоришдан иборат. Бу анъанавий маданиятларнинг хусусиятларини сақлаб қолган уюшган этник аҳоли пунктларига ташриф буоришни, шунингдек, халқ ҳаёти музейлари билан танишади. Зоро, дунёни билиш инсоннинг ўзини ўзи англаши, ўзининг этник илдизларини излаш ва ўрганиш истагини кондиради. Бундай билимларнинг натижалари ўзига хос маданий анъаналарига эга бўлган бутун тарихий даврга дахлдорлигини ҳис қилишга имкон беради. Бошқа халқларнинг маданияти ва уларнинг этник хусусиятлари билан танишиш яхлит кўп қиррали дунёнинг ўзига хослигини билиш ва унинг баъзи элементларини ўзлаштиришни тақозо қиласи. Бизнинг фикримизча, этник туризм турли халқлар вакиллари ўртасида яқин алоқалар ва алмашинувини ривожлантиришга, ўз маданиятини жаҳон меросига киритишга ёрдам беради.

Бизнинг фикримизча, этномаданий туризмнинг мустақил ва яхлит коммуникация воситаси сифатидагиҳамияти туристик ресурсларнинг ўзига хослиги, иштирокчиларининг мотивацияси, ходимлар ва менежментга қўйиладиган малака талаблари тан олиш билан тасдиқланади. Этномаданий туризм этник маданият намоён бўлишининг минтақавий ва маҳаллий жиҳатларини ўрганиш узоқ тарихга эга бўлган этник гурухларнинг урф-одатларига таъсир қилиш ва ҳаёт тажрибасидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва оммалаштириш, маданий маргинал гурухларнинг дунёқараши учун кенг имкониятлар яратади.

Бизнинг фикримизча, этник маданий ҳодисаларнинг маълум бир тўплами мазмунини тўлиқ ва аниқ очиб берадиган стандарт таърифларни ишлаб чиқиш ва муомалага киритишга ҳам профессионал ташкилотчилар эҳтиёjlари учун, ҳам тегишли фирмалар мижозлари учун катта эътибор берилиши керак. Этномаданий туризм - тижорат саёҳатининг ривожланишига таъсир этади ва айни пайтда этномаданий туризм тез ривожланишни талаб қиласи ҳамда туристик ташкилотчиларнинг касбий фаолияти назарияси ва амалиёти бўйича аниқроқ илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурати ортади. Бу жараёндаги сусткашлик

миллий этномаданий туризмнинг саноати имиджига салбий таъсир қиласди. Потенциал мижозларга хизмат кўрсатиш учун этномаданий туризм ташкилотчиларининг ижтимоий масъулиятини оширилиши туризм саноатининг иқтисодий барқарорлиги омили бўлади.

**Хулоса** сифатида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда этномаданий туризмни ташкил қилиш учун энг аввало асосий минтақаларни аниқлаш, этник гурӯҳларнинг ихчам яшаш жойларини жиҳозлаш, этномаданий обьектлар жойлашган худудларда турли фестиваллар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Масалан, Бухорода этномаданий туризмни ривожлантириш худуди сифатида жуда қулай, унда миллатлараро ҳурматни шакллантириш, ватанпарварлик, она юрга муҳаббат, ўтмишга ҳурмат билан қарашларни тарбиялаш, аҳолининг интеллектуал савиясини ошириш, миллий маданиятлар, миллий кўниқмалар, исм, урф-одатлар, маросимларни тиклашга ёрдам бериш, ҳар қандай этник гурӯҳ учун хос бўлган анъанавий меъморчилик ёдгорликларини бузилмаган шаклда сақлаш, анъанавий туризм фаолиятини кенгайтириш, қўшимча иш ўринларини яратиш, минтақадаги мавсумий ҳодисаларни юмшатишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

## REFERENCES

1. Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишлиланган нутқи. //Халқ сўзи №186 сон.2020.
2. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3851>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.2020 йил 29 декабрь <https://www.youtube.com>
4. Заседание Международного Совета Юнеско, 2015. - <http://www.unesco.org/new/ru/unesco/resources/publica>.